



# Халқ сўзи

Ўзбекистон —  
Келажаги  
буюк  
давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган

http://xs.uz

E-mail: info@xs.uz

2013 йил 5 апрель, № 65 (5739)

Жума

## ОҚСАРОЙДА ҚАБУЛ

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов 4 апрель куни Оқсаройда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Ижроия қўмитаси раиси — ижрочи котиби Сергей Лебедевни қабул қилди.**



Давлатимиз раҳбари меҳмонни юртимизга ташири билан кутлар экан, Ўзбекистон МДХ фаолиятида иштирок этиш масаласига муҳим аҳамият беришини таъкидлади. Ўзбекистон Республикасининг 2012 йилда қабул қилинган Ташқи сиёсий фаолият концепциясида Ҳамдўстликда қатнашиш халқаро ташкилотлар билан кўп томонлама ҳамкорликнинг устувор йўналишларидан бири этиб белгиланган. МДХ кенг қамровли муносабатларни мувофиқлаштирувчи тузилма вазифасини бажариши, шунингдек, минтақа мамлакатлари ўртасида қарор топган ҳамкорлик доирасида бевосита алоқалар ва давлатлараро мулоқотлар майдони бўлиб қолиши мумкин ва даркор. Шу маънода, ташкилотга аъзо барча давлатлар учун Ҳамдўстлик зарур ва муҳим аҳамиятга эга.

Савдо-иқтисодий алоқалар, транспорт коммуникацияларини ривожлантириш, трансмиллий таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашиш масалалари Ўзбекистон Республикаси учун МДХ доирасидаги ҳамкорликнинг устувор йўналишларидир.

Ҳамдўстликка аъзо давлатлар Ўзбекистоннинг етакчи савдо ҳамкорларидир. Товар айирбошлаш кўрсаткичлари буни яққол тасдиқлайди. 2012 йилда бу борадаги кўрсаткич 12,4 миллиард АҚШ долларини ёки мамлакатимиз умумий ташқи савдоси ҳажмининг 47,2 фоизини ташкил этди.

Оқсаройдаги суҳбат чоғида томонларни қизиқтирган масалалар, шу жумладан, Ҳамдўстлик органлари фаолияти самарадорлигини ошириш, кўп томонлама интеграция жараёнларини ривожлантириш истиқболлари ва бошқа масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Сергей Лебедев самимий қабул учун Ўзбекистон Президентига чуқур миннатдорлик изҳор этди, мамлакатимизнинг МДХдаги иштирокини юксак баҳолади. Ҳамдўстликка аъзо давлатлар Ташқи ишлар вазирлари кенгашининг навбатдаги мажлиси Тошкент шаҳрида ўтказилиши ва унинг якунлари бўйича қабул қилинадиган қарорлар, шубҳасиз, МДХ доирасидаги кенг кўламли ва ўзаро манфаатли ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга янги суръат бағишлайди.

Учрашув якунида давлатимиз раҳбари Ташқи ишлар вазирлари кенгаши мажлиси қатнашчиларига муваффақият тилади.

(Ў.А.)

Сарвар ҲУРАМОНОВ олган сурат.

Тошкентда 4 апрель куни Ўзбекистон ва Польша ишбилармон доиралари вакиллари иштирокида кооперацион биржа бўлиб ўтди.

## ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОЛЬША ИШБИЛАРМОНЛАРИ МУЗОКАРАЛАРИ

Тадбирда икки мамлакатнинг иқтисодий, савдо-саноат, сармоя, соғлиқни сақлаш, металлургия, озиқ-овқат саноати, қишлоқ хўжалиги, қорвачилик, матбаачилик, қадқолаш, ускуна ва технологиялар ишлаб чиқариш каби қатор соҳалар учун масъул вазирлик ва идоралари, компания ва концернлари вакиллари иштирок этди.

Анжуманда Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси раиси Алишер Шайхов, Польша Республикаси иқтисодий вазирининг ўринбосари Анджей Диха Ўзбекистон билан Польша ўртасидаги муносабатлар кўллаб соҳаларда, жумладан, савдо-иқтисодий йўналишда ҳам изчил ривожланиб бораётганини, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётганини алоҳида таъкидлади. Ўзбекистонда хорижий сармоядорлар учун яратилган қулай сармоявий муҳит, шароит ва имтиёзлар Польша ишбилармонларининг ҳам мамлакатимиз билан ҳамкорликка қизиқишини тобора кучайтираётди.

Ўзбекистон билан Польша иқтисодий муносабатлари савдо-иқтисодий ҳамкорлик, сармояларни ўзаро ҳимоялаш ва рағбатлантириш тўғрисидаги битимлар каби қирқдан зиёд ҳужжатга асосланади. Бу борада мамлакатларимиз ўртасида энг кўп қулайлик яратиш тизими жорий этилган. Ўзаро товар айирбошлаш ҳамжи мунтазам ошмоқда. Ўзбекистонда Польша сармояси иштирокида тузилган йигирмага яқин корхона фаолият кўрсатаётди.

(Давоми 2-бетда.)

## Истеъдод ва маҳорат намойиши

Бугун ёшларимизнинг интилиш ва ташаббусларини қўллаб-қувватлаш, иқтидорли, изланувчан ўғил-қизларни янада фаолликка ундаш мақсадида кўпгина хайрли ишлар амалга оширилмоқда.

### БИЗ — БИР ЖАМОА, БИЗ — БИР ОИЛАМИЗ

Хусусан, "Ўзбекистон маданияти ва санъати форуми" жамғармаси, "Келажақ овози" ёшлар ташаббуслари маркази ҳамда "Аёллар кенгаши" жамоат бирлашмаси ҳамкорлигида мамлакатимизнинг барча вилоятларида уюшқоқлик билан ўтказилаётган "Биз — бир жамоа, биз — бир оиламиз" акцияси ҳам ёрқин таассуротлар, қизгин ижодий мулоқотларга бой бўлган ўзига хос лойиҳадир.

Мазкур акция доирасидаги маънавий тадбирлар Хоразм вилоятида ҳам бўлиб ўтди. Ушбу тадбирда ўқувчи ва талабалар, номдор спортчилар, республикамиз ҳамда жаҳон миқёсидаги турли кўрик-танловларда голиб чиққан кўплаб иқтидорли йигит-қизлар иштирок этишди.

Урганч шаҳридаги 2-сон академик лицейда қизгин тарзда кечган "Битирувчиларни ишга

жойлаштириш имкониятларини ошириш" мавзюдаги семинарда 300 нафардан зиёд ёшларга касб танлаш, ишга жойлаштириш бўйича зарур маслаҳатлар берилди.

Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида дастурлаш, веб-дизайн ва 3D технологиялари асослари бўйича тақдиротлар, шунингдек, хорижий тиллар бўйича танлов ёшларда унутилмас таассуротлар қолдирди. "Интернет журналистикаси тараққиёти" мавзюда ташкил этилган тренингда соҳага қизиқувчи йигит-қизлар ҳамда худудий "Келажақ пресс" матбуот марказида фаолият юритаётган ёш мухбирлар қатнашди. Акция доирасида режалаштирилган "Дилемма" баҳс-мунозара тренингда нотикли санъати бўйича тажрибалар билан ўртоқлашилди.

(Давоми 2-бетда.)

### ИЗЛАНИШ

"Навой" эркин индустриал-иқтисодий зонасида жойлашган лойиҳа қиймати 1,3 миллиард сўмлик "Navoiy-Beauty cosmetics" қўшма корхонаси айни пайтда илғор технология асосида 22 турдаги косметика маҳсулотларини бозорга чиқармоқда.

## Истиқболли лойиҳа ўзлаштирилди

Корхона жамоаси ақинда янги турдаги шампунь ва бальзам тайёрлашни ўзлаштирди.

— Келгусида маҳсулотларимиз турини кўпайтириб, ташқи бозорга чиқиш борасида ҳам жиддий изланишлар олиб бораемиз, — дейди корхона мутасаддиларидан бири Суннатулло Боқиев. — Мамлакатимизда хорижий инвесторлар учун кўплаб имтиёзлар берилётгани аниқдан-янги лойиҳаларни рўёбга чиқаришга туртки бўлмоқда. Бу ишлаб чиқариш қувватини ошириб, қўшимча иш ўринлари яратилишига замин ҳозирламоқда.

А. ЗАРИПОВ,  
«Халқ сўзи» мухбири.

## Ҳамкорлик янада мустаҳкамланади

Хабарингиз бор, шу йилнинг 10-11 апрель кунлари пойтахтимизда банк технологиялари, асбоб-ускуналари ва хизматлари — "BankExpo — 2013" олтинчи миллий кўргазмаси бўлиб ўтди.

### ТАДБИР

Шу муносабат билан кеча Ўзбекистон Банклари ассоциациясида оммавий ахборот воситалари вакиллари учун матбуот анжумани ташкил этилди. Таъкидландики, анъанавий тарзда ўтказиб келинаётган мазкур анжуман республикамиз молия-банк тизими ютуқларини намойиш этиш баробарида, мазкур йўналишдаги истиқболли лойиҳалар, қўлланилаётган янги технология ва хизматларни кенг оммага таништиришда муҳим ўрин тутмоқда.

Жорий йилги кўргазмада эса "Обод турмуш йили" Давлат дастуридан келиб чиққан ҳолда, оилавий бизнесни қўллаб-қувватлаш, тадбиркорлик фаолиятини бошлаш истигида бўлган таълим муассасалари битирувчилари ҳамда хотин-қизларга тақлиф этилаётган банк хизматларига алоҳида эътибор қаратилади.

Унда Давлат солиқ қўмитаси, Ўзбекистон Савдо-саноат палатаси, "Қамолот" ёшлар ижтимоий ҳаракати, "Хунарманд" уюшмаси, "Ўзбекистон Ижтимоий масъулиятли фуқаролари форуми", "Келажақ овози" ёшлар ташаббуслари маркази сингари кўплаб ташкилотлар ҳам иштирок этди.

Кўргазма доирасида, шунингдек, чекка ва аҳоли зич жойлашган туманларда фаолият юритаётган кичик бизнес вакиллари, ишлаб чиқариш корхоналари, фермер хўжалиқларининг бандликни таъминлашга қаратилган лойиҳалари бўйича ўтказилган танлов голибларига имтиёзли кредит олиш ҳуқуқини берувчи сертификатлар топширилади.

Буларнинг бари молия муассасалари ва миқозлар ўртасидаги ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга хизмат қилиши, шубҳасиз.

Д. УЛУҒМУРДОВ.

### БИЗ ВА ЖАҲОН

Илгари хабар берилганидек, "Ўзбекистон ҳаво йўллари" Миллий авиакомпанияси, "Ўзбектуризм" Миллий компанияси ва Ўзбекистон хусусий сайёҳлик ташкилотлари уюшмаси ҳамкорлигида Таиланд, Сингапур ва Малайзияда "Road Show" тақдимотлари ўтказилган эди. Яқинда Жанубий-Шарқий Осиёнинг ушбу мамлакатларида фаолият кўрсатадиган қатор оммавий ахборот воситалари саҳифаларида мазкур тадбирларнинг якунларига доир материаллар эълон қилинди.

## Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти Малайзия ва Сингапур матбуоти нигоҳида

Хусусан, Малайзияда инглиз тилида чоп этиладиган "New Straits Times" газетасида нашрдан чиққан "Ўзбекистон жозибаси" сарлавҳали мақолада Куала-Лумпур шаҳрида бўлиб ўтган "Road Show" тақдимотининг тафсилотлари қаламга олинган.

Мақола муаллифи Шуиб Таиб тадбир ҳақидаги фикр-мулоҳазаларини ўртоқлашар экан, жаҳоннинг йirik сайёҳлик марказларидан бири ҳисобланадиган Ўзбекистон замида тўрт мингдан орტიқ тарихий обидалар жойлашгани ва улар дунёнинг кўпгина мамлакатлари қатори малайзиялик сайёҳларни ҳам

ўзига жалб қилиб келаётганини таъкидлайди. "Дунё цивилизацияси тараққиёти ҳамда умуминсоний маданият ва илм-фан ривожига муҳим ўрин тутган Самарқанд, Бухоро, Хива, Шахрисабз сингари шаҳарларда афсонавий меъморчилик обидалари қад ростлаган бўлиб, мазкур ёдгорликлар давлат томонидан асраб-авайланади ва муҳофаза қилинади", дея хабар беради Ш. Таиб.

У Ўзбекистоннинг Малайзияда дипломатия ваколатхонаси томонидан ўлканинг сайёҳлик салоҳияти ва миллий брендини, унинг қадимий маданияти ва бебаҳо анъаналарини тарғиб

қилиш ҳамда оммалаштириш юзасидан амалга оширилаётган чора-тадбирлар натижасида Ўзбекистонга сафар қилаётган малайзиялик сайёҳлар сони йилдан-йилга ортиб бораётганини эътироф этган. "Зеро, беқиёс гўзалликка эга бўлган Ўзбекистон табиати, осмонга буй чўзган улкан тоғлари, қулай иқлими, ям-яшил ўрмонлари, бепоён саҳро ва дала-

дашлари малайзиялик сайёҳларни оҳанрабодай ўзига тортмоқда", деб ёзади муаллиф.

Сингапурда сайёҳлик соҳасига ихтисослаштирилган "TTG Asia" нашрининг сўнги сонида "Ўзбекистон сингапурликларни мафтун қилмоқда" номли мақола нашрдан чиқди. Журналист Ли Пей Ци қаламига мансуб ушбу мақола ҳам "Road Show" тақдимоти мавзюга бағишланган. Унда Сингапурнинг мухташам "Swissotel Stamford" бизнес марказида уюштирилган тадбирда олтишдан зиёд сайёҳлик компанияларининг вакиллари ҳозир бўлгани маълум қилинади.

(Давоми 2-бетда.)

## Шартномалар имзоланди

Бухоро шаҳрида ташкил этилган анъанавий худудий саноат ярмаркаси ва кооперация биржасида маҳаллий ишбилармонлар, хусусан, 4100 нафардан зиёд тадбиркор қатнашди.

— Тадбирда 182 та корхонанинг 1127 турдаги маҳсулотлари намойиш қилинди, — дейди вилоят иқтисодий ёт бош бошқармаси масъул ходими Толиб Муҳаммедов. — Жумла-

дан, озиқ-овқат, тўқимачилик ва енгил саноат маҳсулотлари, уй-рўзғор буюмлари қаторида 14 та маҳаллийлаштирилган маҳсулотлар тақдим этилгани тадбиркорлик

субъектлари вакиллари учун ҳар томонлама фойдали бўлди. Корхоналарга кўплаб буюртмалар тушганлиги ҳам буни тасдиқлайди.

(Давоми 2-бетда.)

БИР РАҚАМ ШАРҲИ  
ЁШЛАР УЧУН  
ЯНГИ  
ИШ ЖОЙЛАРИ

Мамлакатимизда ўтган йили кичик бизнес ва хусусий тадбиркорликни ривожлантириш эвазига

485

мингта  
янги иш ўрни  
яратилди.

Ижтимоий-иқтисодий дастурлар доирасида янги иш ўринларини ташкил этиш, аҳолини, биринчи навбатда, қишлоқ аҳолиси ва ёшларни ишга жойлаштириш масаласига катта эътибор берилётгани туфайли соҳада бу борада юқори ўсиш суръати таъминланди.



# ЎЗБЕКИСТОН ВА ПОЛЬША ИШБИЛАРМОНЛАРИ МУЗОКАРАЛАРИ

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

— Ўзбекистонга таърифимиз давомиди мамлакатингизнинг қатор вазири ва идораларида ўзаро иқтисодий ҳамкорликни ривожлантириш юзасидан музокаралар ўтказилди, шунингдек, озиқ-овқат ва қайта ишлаш саноати ускуналарининг ўн учинчи "WorldFood Uzbekistan — 2013" ҳамда қишлоқ хўжалиги технологияларининг саккизинчи "AgroWorld Uzbekistan — 2013" халқаро кўргазмалари билан таърифимизнинг ага бўлди, — деди Икониёв Д.Х. — Ўзбекистон — Польшанинг Марказий Осиёдаги муҳим ҳамкорла-

ридан. Мамлакатингиз билан бошқа кўлаб йўналишлар қатори қишлоқ хўжалиги ва фармацевтика соҳаларидаги ҳамкорликнинг истиқболи порлоқ эканини алоҳида таъкидлаш лозим. Дунёнинг, хусусан, Европанинг қатор мамлакатларида молиявий-иқтисодий инқироз янада чуқурлашиб, кўлаб давлатларда иқтисодий ўсиш кўрсаткичлари пасайиб бораётган бир шароитда Ўзбекистонда юқори барқарор иқтисодий ўсиш суръатлари сақланиб қолаётгани, ўтган йили ялпи ички маҳсулот ҳажмининг ўсиши 8 фоиздан зиёдни ташкил этгани таъхирга сазовордир.

Тадбирда Ўзбекистонда ишлаб чиқарилган тайёр маҳсулотларни Польша бозорларига экспорт қилиш, ўзаро товар айирбошлаш ҳажмини ошириш, сарможий ҳамкорликни янада кенгайтириш, қўшма корхоналар сонини ва маҳсулотлар турини кўпайтириш, биргаликда икки томон учун ҳам фойдали лойиҳаларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш масалалари муҳокама қилинди. Икки мамлакат ишбилармонлари турли соҳалардаги ўзаро ҳамкорлик алоқаларини янада муостаҳкамлашга келишиб олдилар. Шу кунги Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатаси билан Польша Тадбиркорликни ривожлантириш агентлиги ўртасида ҳамкорликни янада ривожлантиришга оид меморандум имзоланди.

Ирода УМАРОВА, ЎЗА мухбири.

# Ўзбекистоннинг сайёҳлик салоҳияти Малайзия ва Сингапур матбуоти нигоҳида

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

“Тақдимот қатнашчилари Ўзбекистон замини бўйлаб турли-туман сайёҳлик дастурлари ҳамда республикада туризм жабҳасини ривожлантириш бўйича амалга оширилаётган изчил ислохотлар билан атрофлича танишдилар, — деб ёзади Ли Пей Ци. — Бундан ташқари, Сингапур сайёҳлик компаниялари вакиллари ўзбекистонлик ҳамкасблари билан кўлаб музокаралар ўтказгани ҳолда, ўзаро манфаатли ҳамкорликни ривожлантириш, қўшма маркетинг тадқиқотлари ва сайёҳлик тадбирларини ташкил этиш тўғрисидаги келишувларни имзоладилар.”

қатновлари йўлга қўйилиши маълум қилингани ҳақида ёзар экан, “TTG Asia” газетаси бу икки давлат ўртасидаги сайёҳлар алмашувининг янада кенгайишига хизмат қилаётганини алоҳида қайд этди. Ли Пей Цининг фикрича, қадим ва бой тарихга эга Ўзбекистон Шарқнинг ҳақиқий марвариди ҳисобланади, ЮНЕСКО Бутунжаҳон маданий мероси рўйхатидан жой олган кўлаб тарихий ёдгорликларнинг донғи эса бутун дунёга таралган. “Шундай экан, Сингапурда бўлиб ўтган “Road Show” тақдироти Жануби-Шарқий Осиё мамлакатларида Ўзбекистоннинг сайёҳлик брендини тарғиб этиш ва оммалаштириш ҳамда туризм соҳасидаги халқаро ҳамкорликни янада ривожлантиришга хизмат қилади”, деб ёзади сингапурлик журналист.

«Жаҳон» АА.



# Сертификат топширилди

“Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси барқарор фаолияти учун навбатдаги сифат сертификати билан тақдирланди.

## ЭЪТИРОФ

“Энг пухта авиакомпаниялар” деб номланган мазкур нуфузли танлов “Домодедово” аэропорти томонидан ўтказилиб, унинг натижаларига кўра, ўзбек миллий авиаташувчиси 95 фоиз мунтазам парвозлар кўрсаткичи билан биринчи ўринни эгаллади. Парвозларнинг умумий сонидан келиб чиққан ҳолда айнан шундай юқори натижалар билан “Ўзбекистон ҳаво йўллари” МАК авиалайнерлари “Домодедово” ҳаво маскандан қатновларини кечик-

тирмай амалга оширган. Таъкидлаш жоизки, ушбу тадбирда ҳафтага 17 тадан 300 тагача йўловчи қатновларини амалга оширувчи МДХ мамлакатларининг барча авиакомпаниялари иштирок этди. Мунтазам парвозларнинг юқори кўрсаткичи “Ўзбекистон ҳаво йўллари” Миллий авиакомпанияси учувчилари, муҳандислари ва ер усти хизмати мутахасссларининг фидойилиги ҳамда юқори касбий маҳорати самарасидир.

О. ЛУТФУЛЛАЕВ.

## АНДИЖОН ТОМОНЛАРДА

Асака туманидаги “Премиум идеал” масъулияти чекланган жамияти курилиш материаллари орасида харидорларни ҳисобланган битизол ишлаб чиқаришни ўзлаштирди.

# Буюртмачиларга манзур

Йилга 212 минг кв. метр маҳсулот тайёрлаш қувватига эга бўлган ушбу корхона зарур ускуна ва дастгоҳлар билан жиҳозлаш учун банк томонидан 163,2 миллион сўмлик кредит ажратилди. Эътиборлиси, туманда ўтган йили 3 миллиард 998,1 миллион сўмлик халқ истеъмоли моллари тайёрланди. Кичик корхона ва микрофирмалар ташкил этиш ҳисобига 3942 та иш ўрни яратилди.

# Косибнинг корхонаси

Аҳлидин Турсунов 20 йилдан буён косиблик билан шуғулланиб келади. Яқинда ўз шогирдлари билан маслаҳатлашиб, “Фаргона чарм пойабзали” масъулияти чекланган жамиятини ташкил этди.

Бунинг учун хориждан чарма ишлов берувчи дастгоҳлар олиб келинди. Ўтган қисқа вақт ичида 15 нафар шогирди билан 1000 жуфтга яқин пойабзал ишлаб чиқариб, мижозларга етказиб берди. — Оёқ кийимларимиз пишиқ ва бежиримлиги, турдошларига нисбатан бирмунча арзонлиги билан харидор-

ларга манзур бўлапти, — дейди у. — Шу қулларда фаолиятимизни кенгайтириш устида ишланаямиз. Бунинг учун молия муассасасига 60 миллион сўмлик кредит олиш учун бизнес режамизни топширдик. Лойиҳа амалга ошиши билан иш ўринлари сони 30 тага ортади.

О. ШОДМОналиев, «Халқ сўзи» мухбири.

# Истеъдод ва маҳорат намоиши

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Урганч шаҳрида “Хаёт учун!” хайрия марафони 1000 нафардан ортик кишини ўзида жамлаган бўлса, “Хаёт учун!” хайрия футбол мусобақасида юртимизнинг таниқли кишилари ва эстрада ижрочилари ўртасидаги ўртоқлик учрашуви тадбир мазмунига ўзгача файз бағишлади.

Дўстлик, ҳамжихатлик, истеъдод ва маҳорат кўригига айланган навбатдаги ёшлар акцияси таниқли санъаткорлар иштирокидаги гала-концерт дастури билан якунланди.

Навоий шаҳрида ҳам “Биз — бир жамоа, биз — бир оиламиз” шиори остида ёшлар акцияси ўтказилди.

Баҳс-мунозара тарзида ўтган ушбу машғулотларда журналистика, ахборот технологиялари, тадбиркорлик ҳамда чет тилларни ўрганишга қизиқувчи ёшлар ўзаро фикр алмашишди.

Спорт ва саломатлик йўналишидаги яна бир қизиқарли акция — “Хаёт учун!” хайрия марафонидан оилалар вакиллари, турли ташкилотларнинг ёш ходимлари ҳамда ўқувчи ва талабалар қатнашди.

Таъкидлаш жоизки, акция доирасида ташкил этилган “Хаёт учун!” хайрия футболшоуси ёшларнинг гулдӯрос оқлишларига сазовор бўлди.

Ойбек РАҲИМОВ, Азамат ЗАРИПОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# Трикотаж маҳсулотлари — экспортга



## МОДЕРНИЗАЦИЯ

— Коллежимизнинг 10 нафардан зиёд битирувчилари корхонада иш билан таъминланган, — дейди Ш. Бобоева. — Биз энг замонавий тикув дастгоҳларида хорижий харидорлар учун трикотаж маҳсулотлари, шу жумладан, эркаклар футболкасини тикамиз. Маҳсулотимиз сифати алоҳида эътибор бераётганимиз боис унинг экспортбўлиги таъминланмоқда. “Мос Ян текс” қўшма корхонаси 2004 йилда ташкил

этилган бўлиб давтаввал 30–40 киши ишлаган бўлса, бугунги кунда уларнинг сони 160 нафардан орти. Сабаби, ўтган йиллар давомида корхона Хитой ва Польша мамлакатларидан олиб келинган тикув машиналари, дазвол, қирқиш технологиялари билан жиҳозланди. Аниқроқ айтганда, биргина 2012 йилда бу ерда 15 миллион сўмлик модернизация ишлари амалга оширилди. Натижада корхонада трико-

таж маҳсулотларини хорижликлар буюртмаси асосида тайёрлашга эришилди. Айни пайтда уларга харидорлар тақлифи эътиборга олинган ҳолда, рағб берилмоқда. Маътога расмлар ва ёзувлар босилапти. Бу эса экспорт ҳажмини йилдан-йилга ошириш имконини яратаяпти. — 2011 йилда бир миллион 300 минг АҚШ долларлик маҳсулотни экспорт қилган эдик. Бултур эса бу кўрсаткич бир миллион 662

минг АҚШ долларликка етказилди, — дейди корхона раҳбари Шерзод Ҳайдаров. — Бу, шубҳасиз, маҳсулотларимизнинг сифати юқорилиги натижаси, албатта. Шунги ҳисобга олиб, бугунги рақобат шароитида бозорни мутасил ўрганиб бораёламиз. Пировардида жорий йилнинг январь ойида 393 миллион сўмлик маҳсулот ишлаб чиқариб, шундан 95 минг АҚШ долларлигини хорижга сотишга улгурдик. Йил охири-

Ўтган йили касб-ҳунар коллежини битирган Шаҳноза Бобоевага омад кулиб боқди: шаҳарнинг Темур Малик номидаги маҳалла ҳудудида жойлашган “Мос Ян текс” Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасига ишга қабул қилинди. Бу унинг шу ерда амалиётни ўтаб, устозлар ишончини оқлаганининг шарофати эди.

# Шартномалар имзоланди

(Давоми. Бошланиши 1-бетда).

Масалан, Бухоро шаҳридаги “Мирзо Улуғбек” савдо-ишлаб чиқариш корхонаси “Дилкушо қурилиш” МЧЖ билан қурилиш материаллари харид қилиш юзасидан

200 миллион сўмлик шартнома тузди. Икки кунлик ярмаркада умумий қиймати 12 миллиард 730,6 миллион сўмлик 142 та шартнома имзоланди. Бу ўтган йилдаги қараганда, салкам икки миллиард сўм кўп

демақдир. Маҳсулот экспорти юзасидан эса 4 миллион 430 минг АҚШ доллари миқдоридagi шартномаларга имзо чекилди. Тадбир доирасида 13 та номинация бўйича голиблар номи аниқланиб, уларга қим-

матбаҳо совғалар топширилди. Ярмарканинг очилиш маросимида вилоят ҳокими вазифасини бажарувчи М. Эсанов иштирок этди.

И. ИБРОҲИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.

# ФАН ВА АМАЛИЁТ

Бугунги кунда дунё миқёсида электр энергиясига бўлган эҳтиёж тобора ортиб бормоқда. Бу эса, ўз-ўзидан, жаҳон бозорида энергия манбаларининг нарҳига сезиларли таъсир кўрсатапти. Шу боис иқтисодий тараққий этган ва ривожланаётган давлатларда қайта тикланувчи энергия манбаларидан амалда фойдаланиш бўйича ишланмалар жадал суръатларда олиб борилаётир.

Мамлакатимизда ҳам табиий бойликларни тежаш ва ишлаб чиқариш тармоқларига экологик соф технологияларни жорий этишга алоҳида эътибор қаратилмоқда. Мутахасссларнинг таъкидлашича, юртимиз иқлим шароитида қуёш, сув, шамол, биогаз сингари ноънъанавий энергия турларидан фойдаланиш борасида улкан имкониятлар мавжуд. Республикаимиз ҳудудида йилнинг деярли 300–310 кунни қуёшли бўлади, аксарият кенг ҳудудли очик майдонларда эса доимий шамол эсиб туради. Бундай табиий имконият бугунги кунда жаҳон бўйича тобора оммалашиб бораётган қайта тикланувчи энергия манбаларидан самарали фойдаланишда қўл келади.

Президентимизнинг 2013 йил 1 мартдаги “Муқобил энергия манбаларини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги Фармони бу борадаги ишларни сифат жиҳатдан янги босқичга кўтариш, пировардида табиий бойликларни тежашда дастуриламал бўлиши, шубҳасиз. Бинобарин, республикамизнинг 1 квадрат сантиметр майдонига йил давомида тушадиган қуёш энергияси 138–150 ккал/н.н ташкил этади. Ёки бошқача айтганда, Ўзбекистондаги қуёш энергиясининг йиллик потенциалли 50 миллиард 953 миллион тонна нефтга баробар. Буни энергияга айлантисақ, 2,346 10<sup>12</sup> Жоулга тенг бўлади. Бу жуда катта энергия захирасидир. Агар биз ушбу энергиянинг атиги бир физидан фойдалансак ҳам республикамиз эҳтиёжларини қоплайдиган электр энергиядан қарийб 120 марта кўпроқ энергияга эгаллик қиламиз, албатта. Ушбу табиат неъматидан унумли фойдаланишни таъминлаш йўқ. Қолаверса, биогаз олиш учун ҳам ички имкониятларимиз ниҳоятда юқори. Бунинг учун чорва моллари, парранда чикиндилари, ўсимлик қолдиқлари, барг-ҳазонлар,

ри, айтиш кераки, турли катталиқдаги биогаз қурилмаларига эҳтиёж юқорилигини кўрсатади. Гап шундаки, йиррик шаҳарлар, туман марказлари чикиндихоналари ёнида катта қурилмалар, иссиқхоналар, йиррик чорвачилик фермалари яқинида ўртача катталиқдаги ва қишлоқларда ҳар бир оила ёки бир неча оила учун мўлжалланган кичик қурилмалар ўрнатилар ҳар жиҳатдан қулайдир. Улар камҳаражат бўлиб,

Президентимиз Фармонида биогаз энергияси захираларини аниқлаш ва қўллаш бўйича илмий тадқиқот ва ташкилотчилик ишларини янада кўнатириш, экспериментал ва пилот лойиҳалар ишлаб чиқишни жадаллаштириш зарурлиги белгилаб берилган. СамДУ табиий фанлар факультетида бир гуруҳ талабалар, илмий тадқиқотчилар шаҳардаги манзарали дараклар, айниқса, чинор барги ва чи-

рини тайёрловчи корхона билан ҳамкорликда ишлаши режалаштирилган. Бу эса, ўз навбатида, заводда яратилаётган қуёш элементларининг ФИКни сезиларли даражада ошириш эвазига қуёш панелларининг самарадорлигини юксалтиришга хизмат қилади. Бундан ташқари, физик олимларимиз Фанлар академиясининг “Физика — Қуёш” илмий-ишлаб чиқариш биёрлашмаси олимлари билан ҳамкорлик-

лоийҳа тайёрлаганини, у бўйича ишлар бошланиш арафасида эканлигини қайд этиш лозим. Шунингдек, “Самарқанд вилояти шамол энергияси ресурсларининг харитасини тузиш” мавзусидаги 2013 — 2015 йилларга мўлжалланган халқаро лойиҳа доирасида вилоятдаги шамол ресурсларининг электр энергияси ишлаб чиқаришдаги имкониятлари ўрганилиб, шамол ресурслари харитасини тузиш ҳам режалаштирилган. Бу эса, ўз навбатида, муқобил энергия қурилмаларини ўрнатиш учун илмий асос бўлишига ишончимиз комил. СамДУ олимлари таълим, фан ва ишлаб чиқариш ҳамкорлигига эътибор қаратмоқдалар. Ҳозирги кунда университетнинг 40 дан ортик инновацион гуруҳлари халқ хўжалигининг турли соҳаларида фаолият юритаётган 100 га яқин муассасалар билан инновацион-корпоратив ҳамкорликда илмий тадқиқот ишлари олиб бормоқда.

Бундан ташқари, олимларимиз томонидан тақдим қилинган Самарқанд вилоятининг тўртта (атроф-муҳит муҳофазаси, экологик, ичимлик сув сифати, шаҳар чикиндилари ва улардан фойдаланиш) харитасини тузишга қаратилган лойиҳа 2013/2014 йилларга мўлжалланган давлат дастурлари доирасидаги инновацион лойиҳалар рўйхатида киритилган. Хусусан, “Шаҳар чикиндиларидан икклимални хом ашё сифатида фойдаланиш” харитасидан нафақат Самарқанд шаҳри, балки туманлар ва кичик шаҳарчалар чикиндиларининг хажмини аниқлаш ҳамда улардан биогаз ишлаб чиқариш масаласида фойдаланиш кўзда тутилган. Бундай лойиҳаларни бажаришда профессор-ўқитувчилар билан бир қаторда, иқтидорли талабалар ҳам, магистрлар ҳам иштирок этаётгани қувонарлидир.

Мухтасар айтганда, Президентимизнинг мазкур Фармони ҳозирги давр талабини ўзида акс эттирган, истиқболимизнинг бугунгидан-да фаровонлигини таъминлашга қаратилган муҳим ҳужжатдир. Демак, ушбу йўналишлардаги илмий тадқиқот ишлари доирасини кенгайтириб, янги ва самарали ишланмалар яратишимиз, мамлакатимизнинг муқобил энергия манбаларидан юксак даражада фойдаланиши йўлга қўйган етакчи давлатлар қаторига қўшилиши учун илмий-техник салоҳиятимизни сафарбар этишимиз зарур.

У. ТАШКЕНБАЕВ, Самарқанд давлат университети ректори.

# Муқобил энергия — тараққийёт хизматида

сув ўтлари, озиқ-овқат қолдиқлари хом ашё вазифасини ўтайди. Шу ўринда айтиш жоизки, Европа Иттифоқи давлатларида чорвачилик фермаларида, шаҳар, шаҳарчалар чикиндилари ташланмайдиган жойларда, иссиқхоналар ёнида турли катталиқдаги биогаз қурилмалари ишга туширилган. Бундай қурилмалар сони бўйича эса Хитой давлати биринчи ўринда туради. Бу ерда 12 миллиондан ортик биогаз қурилмаларидан электр қуввати олинмоқда. Самарқанд давлат университети олимлари ҳам муқобил энергия манбаларидан фойдаланиш устида бир неча йиллардан буён фан олимлари олиб боришаётир. Жумладан, 10 дан ортик магистрлик ва докторлик диссертациялари ушбу муаммо ечимига қаратилган. 2012 йилда университетимизда Минтақа муаммоларини ўрганиш илмий тадқиқот маркази ҳамда Экология масалалари бўйича муаммолар лаборатория ташкил қилинган ушбу илмий тадқиқот ишларини мувофиқлаштириш имконини кенгайтирмоқда. Олимларимиз муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни таъминлашнинг илмий, авваламбор, минтақадаги шароитини ушбу таҳлил этиш ва тегишли хулосалар, ечимларни шакллантиришга ҳаракат қилишмоқда. Унинг дастлабки натижалар-

қисқа вақт ичида самара беради. Самарқанд шаҳар Ободонлаштириш департаменти маълумотларига қараганда, шаҳар ҳудудидан ҳар кун 154 тонна қаттиқ маиший хўжалик чикиндилари чиқарилади. Унинг 50–60 фоизи барг-ҳазонлар, ўсимлик қолдиқлари ва озиқ-овқат чикиндиларидан иборат. Агар шу ҳилдаги чикиндиларнинг 1 тоннасида 200–400 кубометр газ олиш мумкинлигиндан келиб чиқсак, у ўрта ҳисобда кунига 24 минг кубометр муқобил газ манбаи эканлиги равшан бўлади. Жаҳонда биогаз олиш технологиясининг 60 тури мавжуд. Улар орасида энг кенг тарқалган метан транкларда (бочка) анаэрот бижитиш усулидир. Қишлоқлар учун ушбу усулдаги кичик ҳажмдаги биогаз қурилмалари ўрнатиш ўта истиқболлидир. Бундай дейишимиз учун барча асослар етарли. Яъни ҳар бош қорамол чикиндисидан бир кеча-кундузда 4,2 кубометр биогаз олиш мумкин. 1 кубометр биогаз ёнганда чиқадиган иссиқлик 25 МДЖ га тенг бўлиб, бу 0,6 литр бензинга, 0,85 литр спиртга, 1,7 кг. қуруқ ўтинга ёки 1,4 кВт электр энергиясига тенг. Бошқача айтганда, битта қорамол чикиндисидан олинмайдиган кунлик биогаз қарийб 10 кг. ёғоч ўтин ёки 5 кг. қўмир энергиясига эквивалентдир.

қиндилардан биогаз олиш мақсадида уларнинг микродорини ва таркибини аниқлаш, органик ўғит сифатида ишлатиш масалаларига бағишланган тадқиқот билан шуғулланишмоқда. Биогаз ускунасида қайта ишланган органик модда экологик тоза ўғитга айланади. У экинлар ҳосилдорлигини 40 фоизгача оширибгина қолмай, аънъанавий ўғит сарфини 15–20 баравар қисқартиради. Агар биогаз технологияси тақомиллаштирилиб, қўшима ускуналар ўрнатилиб, ундан автомобиллар учун ёнилғи ҳам олиш мумкин. Президентимиз Фармонида Самарқанд вилоятида 100 МВт қувватга эга қуёш фотоэлектрик станциясини қуриш кўзда тутилган. Бундан қўзғалган асосий мақсад иқтисодиётнинг турли соҳаларида муқобил энергия манбаларидан фойдаланишни кенгайтиришдир. Шу маънода, давлатимиз раҳбарининг 2011 йил 20 майдаги қарори асосида Самарқанд давлат университетиде ташкил қилинаётган Микроэлектроника материалларини синтезлаш илмий лабораторияси олдига ҳам янги технологияларни жалб қилиш орқали қуёш элементларининг фойдали иш қозғовчиликларини (ФИК)ни ошириш масаласи қўйилмоқда. Мазкур лаборатория Навоий шаҳрида очилаётган қуёш панелла-



ТАҚДИМОТ

Яқинда пойтахтимизда Жанубий Кореянинг қурилиш машиналари ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган "Doosan Infracore" компаниясининг тақдимот маросими бўлиб ўтди.

«Doosan Infracore»: Юқори сифат ва имкониятлар — барчаси мижоз учун

Таъкидланганидек, Ўзбекистонда амалга оширилаётган исчиликлар ва кенг қўламли бунёдкорлик ишлари юрт равнақи, аҳоли турмуши ободлигини таъминлашга хизмат қилмоқда.



Мижозлар хизматида. Бу борада замонавий компьютер технологиялари ҳамда дастурлар пакети қўлланилиши техник носозлар ва нуқсонларни тезда аниқлаб, бартараф этишда қўл келади.

Ушбу бренддаги техника воситалари юқори даражада ёнилигига тежамкор ҳисобланади. Хусусан, унинг гилдиракли юқортичлари дала шароитида бошқа рақобатчиларига нисбатан камроқ ёнилигига эришади.

Хўш, бу тамойил нималарда ўз ифодасини топган? Хозир мазкур бренд остидаги қурилиш машиналарининг иш унумдорлиги юқорлигини кўчириш мумкин.

Ўқи "Doosan Infracore" русумидаги 2 метр куб тоифасидаги гилдиракли

Мухтасар айтганда, "Doosan Infracore" компанияси маҳсулотлари ва сервис хизмати кўрсатиш тизими узоқ йиллар давомида дунё бозорига синонадан ўтган ҳамда миллионлаб харидорлар ишончини оқлаган бренддир.

М. ҚОСИМОВ.

«ҚДБ Банк Ўзбекистон» ўз фаолиятини бошлади

Молия муассасаларида

Бугунги кунда мамлакатимиз иқтисодийётининг барча жабҳаларида бўлгани каби молия-банк тизимида ҳам ижобий ютуқларга эришилмоқда.

Лаштиришга қаратилган сай-харақатлар сирасига киритиш мумкин. Бу лойиҳа орқали «ЎзҚДБ банк» ёпиқ акциядорлик жамиятининг номи «ҚДБ Банк Ўзбекистон» ёпиқ акциядорлик жамиятига ўзгариши борабариди.

ни сотиб олди ва банклар бирлашувини амалга оширишга киришди. «ҚДБ Банк Ўзбекистон»нинг энг кўп акциядори (86,4 фоиз) «ҚДБ банк» бўлиб, «Banker» журналида эълон қилинганидек, у шахсий капитал қўлами бўйича Жанубий Кореяда пешқадам, дунё миқёсида эса етмиш биринчи ўринда туради.

орқали тадбиркорликни янада ривожлантиришни режалаштирмоқда. 2010 йилнинг декабрь ойида Жанубий Кореянинг «KDB банк»и «Royal Bank of Scotland O'zbekiston MB»нинг 82,35 фоиз улушини сотиб олган эди.

Бизнинг маълумот

«ҚДБ банк»га 1954 йилда Корея Республикаси ҳукумати томонидан асос солинган бўлиб, у корпоратив инвестицион, халқаро, консалтинг ва бошқа хизматлар кўрсатиши билан бир қаторда, тадбиркорлик, шу жумладан, санаот соҳаси учун зарур бўлган асбоб-ускуналар харид қилиши, корхоналар учун қайта ташкил этилган фонддан кредитлар ажратиши, йирик санаот лойиҳаларида ўз улуши билан қатнашиш, тўлов мажбуриятларини кафолатлаш, валюта айирбошлаш ва бошқа фаолият турлари билан шуғулланади.

Мамлакатимиз молия бозоридида янги муассаса — «ҚДБ Банк Ўзбекистон» жорий йилнинг 25 мартидан ўз фаолиятини бошлади. Мазкур молия муассасаси юртимиздаги корпоратив ва яққа тартибдаги мижозларга турли хил банк хизматларини тақдир қилувчи биринчи хорижий банк ҳисобланади.

«ҚДБ Банк Ўзбекистон» бошқаруви раиси Ен-Кю Кваннинг таъкидлашича, бу молиявий муассаса ўзининг малакали ходимлари қўлмегади Марказий Осиё минтақасининг етакчи банклари даражасига қўтарилади. Шу билан бирга, жаноб Кван Ўзбекистон ҳукуматида, Марказий банк ва бошқа тегишли ташкилотларга ўз миннатдорчилигини билдиради.

Банк ахборот хизмати.

3 кун · 2 та павильонда · 150 компания

Advertisement for TIHE exhibition. Includes logos for APTEKEXPO CENTRAL ASIA, STOMATOLOGY, and TIHE. Text: 2013 йил 10–12 апрель Тошкент, «Ўзэкспомарказ» МКК. www.tihe.uz · www.pharmacy.tihe.uz · www.stomatology.tihe.uz

«Universal Auktions Invest» МЧЖ Сурхондарё вилоти филиали

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

- 2013 йил 23 апрель кунини соат 11.00 да бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидида ўтказиладиган аукцион савдосига Термиз шаҳар СИБ томонидан хатланган куйидаги автомобилотранспорт воситалари такронан куйилмоқда:

Юқоридаги мулклар 2013 йил 23 апрелдаги аукцион савдосида сотилмаган тақдирда, такрорий аукцион савдоси 2013 йил 8 май кунини соат 11.00 да бўлиб ўтади.

Аукцион савдоси куйидаги манзилда ўтказилади: Термиз ш., Ф. Хўжаев к., 32-уй, «Тадбиркорлар маркази». Телефон: (+99898) 100-86-86.

«SAGDIANA REAL SERVIS» МЧЖ

2013 йил 22 апрель ва 7 май кунлари соат 11.00 да объект бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдоларига таклиф этади.

- Аукцион савдосига Суд департаментининг Самарқанд вилоти худудий бошқармаси томонидан ЖИБ Тошкент шаҳар, Олмазор (собиқ С. Раҳимов) тумани судининг 2010 йил 2 апрелдаги 1-17/10-сонли ижро варақасига асосан хатланган куйидаги мулклар такронан куйилмоқда:

Талабгорлар диққатига! Мазкур кўчмас мулклар 2013 йил 22 апрель кунидида аукцион савдосида сотилмай қолган тақдирда, такрорий савдо 2013 йил 7 май кунини бўлиб ўтади.

Ушбу мулклар билан тегишли суд ижрочилари бўлими вакили иштирокида бевосита жойига чиқиб танишиш мумкин.

Аукцион савдосида иштирок этиш истагидида талабгорлардан аризаларни қабул қилиш савдо бошланишига бир кун қолганда тўхтатилади.

Манзилми: Самарқанд шаҳри, Абу Райҳон Беруний кўчаси, 196-уй. Телефонлар: (8-366) 229-03-12, 229-65-88.

«CAPITAL REALTOR GROUP» МЧЖ

очик аукцион савдоларига таклиф этади.

«Capital Realtor Group» МЧЖда 2013 йил 7 май кунини соат 11.00 да объект бошлангич баҳоси босқичма-босқич охиб бориш тартибидида ўтказиладиган очик аукцион савдосига куйидаги кўчмас мулклар куйилмоқда:

- 1. Юнусобод тумани СИБ томонидан Тошкент шаҳар хўжалик судининг 2012 йил 13 июлдаги 10-1114/13109-сонли ижро варақасига асосан хатланган, Тошкент шаҳри, Юнусобод тумани, Амир Темур шоҳқўчаси ва Эргашев кўчаси қисмига, 1-уйда жойлашган, умумий майдони 311 кв.м., фойдаланиш майдони 273,4 кв.м. бўлган кўчмас мулк.

Манзил: Тошкент шаҳри, Қушбеги кўчаси, 18-уй. Телефон: (8-371) 250-19-24.

Advertisement for «ORGRES» OAJB. Text: «ORGRES» OAJB ва «InterORGRES-Injining» ҚҚ жамоалари «ORGRES» OAJB бошқарув раиси Рустам Миржалалович УМИРОВнинг вафоти муносабати билан марҳумнинг оила аъзолари ва яқинларига чуқур таззия изхор этади.



Газета ва газетхон:

ЮЗМА-ЮЗ



— Васият қилинган меросга қанча муддатда гувоҳнома берилади?

Р. ДАВЛАТОВ. Олтириқ тумани

Мерос ҳуқуқи

— Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик кодексининг 1120-моддасига асосан, фуқаронинг ўзига тегишли мол-мулкни ёки бу мол-мулкка нисбатан ҳуқуқини вафот этган тақдирда тасарруф этиш ҳусусидаги хоҳиш-иродаси васият деб эътироф қилинади.

Васиятнома нотариал тасдиқланган ёки қонун ҳужжатларида белгиланган мансабдор шахслар томонидан тасдиқланган бўлиши лозим.

Ушбу Кодекснинг 1116-моддасида мерос фуқаронинг ўлими ёки унинг суд томонидан вафот этган, деб эълон қилиниши оқибатида очилиши белгилаб қўйилган. Шунингдек, Кодекснинг 1146-моддасига мувофиқ, мерос очилган жойдаги нотариус меросхўрнинг илтимосига кўра, унга меросга бўлган ҳуқуқи тўғрисида гувоҳнома бериши шарт.

Меросга бўлган ҳуқуқ тўғрисидаги гувоҳнома мерос очилган кундан эътиборан олти ой ўтганидан кейин берилади.

Қонун бўйича мерос олинганда ҳам, васиятнома бўйича мерос олинганда ҳам, агар нотариус тегишли мол-мулкка ёхуд бутун меросга нисбатан гувоҳнома беришни сўраб мурожаат этган шахслардан бошқа меросхўрлар йўқлиги тўғрисида маълумотларга эга бўлса, гувоҳнома юқорида кўрсатилган муддат тугамасидан олдин берилиши мумкин.

Қ. ТОҒАЕВ, Ўзбекистон Республикаси оқдлия вазири ўринбосари.

Йўлланмадан кимлар фойдаланиши мумкин?

— Санаторийда дам олишим учун ишхонамдан менинг номимга берилган йўлланмадан оила аъзоларим, масалан, онам фойдаланишлари мумкинми?

А. ҲАМИДОВ. Тўрақўрғон тумани

— Санаторийларга йўлланма ходим томонидан ижтимоий суғурта бюджети маблағлари ҳисобидан олинган бўлса, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-24-сонли қарорининг 1-иловасига мувофиқ тасдиқланган "Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар олишни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, ҳисобга олиш, бериш ва ҳисоботларни тартибга солиш тўғрисида"ги Йўриқноманинг 3.16-бандига

маблағлари ҳисобидан олинган бўлса, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши Раёсатининг 2013 йил 26 январдаги 9-24-сонли қарорининг 2-иловасига мувофиқ тасдиқланган "Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси тизимида касаба уюшмаси аъзолик бадаллари ҳисобидан санаторий ва дам олиш уйларига имтиёзли йўлланмалар олишни режалаштириш, чиқариш, тақсимлаш, сотиш, ҳисобга олиш, бериш ва ҳисоботларни тартибга солиш тўғрисида"ги Йўриқноманинг 3.16-бандига

асосан, ушбу йўлланмадан ишчи-хизматчиларнинг оила аъзолари (ота-она, турмуш ўртоғи ва фарзандлари) фойдаланиши мумкин.

Шунингдек, ҳар бир йўлланмада "Ижтимоий суғурта маблағлари ҳисобидан тўланган" ёки "касаба уюшмаси аъзолик бадаллари маблағлари ҳисобидан тўланган"лиги тўғрисида алоҳида штамп қўйилган бўлади.

Н. ИШАНХАНОВА, Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгашининг Ижтимоий суғурта бўлими mudiri.

Жамоат транспорти учун махсус жетон

— Тошкент метрополитени бекатларида жетонлар сотиб олиш учун тўловни пластик карточка орқали амалга ошириш йўлга қўйилгани бизга жуда маъқул келяпти. Бу қулайликдан мамнунмиз. Айтинг-чи, бошқа жамоат транспортларида қачон шундай тизим жорий этилади?

Н. ЁҚУБОВ. Ҳамза тумани



— 2013 йилнинг 1 мартдан эътиборан ойлик йўл чипталарини сотиш шохобчаларида шаҳар йўловчи ташиш транспортини хизматидан фойдаланиш учун мўлжалланган махсус жетонлар сотуви ташкил қилинди. Бу тизимнинг аҳоли учун қулай жиҳати шундаки, ана шу жетонларни банк пластик карточкалари орқали харид қилиш мумкин. У йўл ҳақини тўлаш жараёнида нақд пул тўлови билан бир қаторда амал қилади.

З. АБРОРОВ, «Тошшаҳартрансхизмат» уюшмаси раиси ўринбосари.

Текширувчининг ўзида рухсатнома борми?

— Фирма, ташкилот ёки бошқа турдаги ишлаб чиқариш муассасасини солиқ текширувдан ўтказишдан аввал Давлат солиқ хизмати органи ходими қандай ҳужжатларни тақдим этиши шарт?

М. ЖАББОРОВ. Қизилтепа тумани

— Солиқ кодексининг 92-моддасида қайд этилганидек, Давлат солиқ хизмати органининг мансабдор шахси солиқ текширувни ўтказишни бошлашдан олдин, нақд пул тушумларига тааллуқли масалалар юзасидан қисқа муддатли текширув ўтказилаётганда эса солиқ текшируви тугаллангунга қадар: — солиқ тўловчини солиқ текширувнинг мақсади билан таништириши; ўз хизмат гувоҳномасини, шунингдек, текширишларни ўтказишга рухсат берилганлиги тўғрисидаги махсус гувоҳномасини кўрсатиши; қонун ҳужжатларида белгиланган тартибда текширишларни қайд этиш дафтарини тўлдириши; солиқ тўловчига ҳужжалик юритувчи субъектлар фаолиятини текширишларни амалга оширишнинг мувофиқлаштириш режа-

сидан кўчирма нусхасини ёки назорат қилувчи органлар фаолиятини мувофиқлаштирувчи махсус ваколатли органининг режадан ташқари солиқ текшируви ёки муқобил текширув (Солиқ кодекси 88-моддасининг учинчи ва бешинчи қисмларида кўрсатилган асосларга кўра режадан ташқари ўтказиладиган текширув бундан мустақил) ўтказиш тўғрисидаги қарори кўчирма нусхасини, шунингдек, давлат солиқ хизмати органининг тегишли солиқ текшируви тайинланганлиги тўғрисидаги буйруғининг ҳамда солиқ текширувни ўтказиш дастурининг кўчирма нусхаларини топшириб, тилхат олиши шарт.

О. РУСТАМОВ, Ўзбекистон Республикаси Давлат солиқ қўмитаси раисининг ўринбосари.

— Йўналишсиз такси фаолиятини амалга ошириш мақсадида ташкил этилган уюшма аъзолигидан чиқиш учун нима қилиш керак? Шартнома бекор қилинган учун уюшмага то'вон тўлаш керак эмасми?

Н. ҲАЙИТОВ. Яққабғо тумани

Ҳаммаси шартнома шартларига боғлиқ

— Корхона ва ҳайдовчи ўртасида тузилган шартномада корхона раҳбари ҳамда ҳайдовчининг мажбуриятлари, шунингдек, шартномани бекор қилиш шартлари аниқ кўрсатилган бўлиши керак. Агар шартнома ҳайдовчи томонидан бекор қилинган тақдирда то'вон тўланиши зарурлиги белгилаб қўйилган бўлса, демак, тўлайди.

Ш. ШОВАҲОБОВ, Ўзбекистон Автомобиль ва дарё транспорти агентлиги бошлиғи ўринбосари.



— Сўнгги пайтларда электр энергияси олишда биогаздан фойдаланишнинг афзалликлари ҳақида кўп гапирилмоқда. Аммо айрим хорижий интернет манбаларида бу турдаги газдан фойдаланиш инсон соғлиғи, табиат учун зарарли дейилмоқда. Шу тўғрими?

С. БЕРДИБОВ. Нарпай тумани

— Биогаз технологияларидан фойдаланиш, аксинча, атроф-муҳит ҳолатини яхшилашга, жумладан, туپроқ, ер ости сувлари ифлосланганининг олдини олишга хизмат қилади. Агар чорвачилик чиқиндилари табиий шароитда биологик парчаланса, атмосфера ҳавосига 1 тонна гўнг ҳисобига 300 м³ метан ажралиб чиқади. Бу 6300 м³ ис газини (CO₂) дегандир. Биогаз ёнганда, атмосфера ҳавосининг ифлосланиши даражаси анча камаяди. Инсон саломатлигига салбий таъсири ҳам йўқ. Олинган газлардан кундалик ҳаётда ёқилган, қишлоқ хўжалигида эса қайта ишланган чорвачилик чиқиндиларидан экологик тоза, юқори самарали биоорганик ўғит сифатида фойдаланиш мумкин.

К. СОДИҚОВ, Ўзбекистон Республикаси Табиати муҳофазаси қилиш давлат қўмитаси раиси ўринбосари.

Аҳолига қулайлик яратилган

— Кўпинча шаҳар ва туман поликлиникаларида ташхис қўйиш ва даволаш ускуналаридан фойдаланилганлиги учун беморлардан ҳақ талаб қилинади. Шу тўғрими? Агар тўғри бўлса, тўлов миқдори ким томонидан ва қай тартибда белгиланади?

Б. ЖУМАНИЁЗОВ. Урганч шаҳри

— Президентимизнинг 1998 йил 10 ноябрдаги "Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш тизимини ислоҳ қилиш Давлат дастури тўғрисида"ги Фармонида давлат томонидан кафолатланган бепул тиббий хизмат турлари белгилаб қўйилган бўлиб, унга бирламчи тиббий-санитария ёрдами ҳам кирди. Туман ва шаҳарлардаги кўп тармоқли поликлиникалар аҳолига бирламчи тиббий ёрдам кўрсатувчи даволаш-профилактика муассасалари ҳисоблангани туфайли ушбу масканларда аҳолига бирламчи тиббий-санитария ёрдами бепул амалга оширилади.

Д. МИРАЗИМОВ, Ўзбекистон Республикаси Соғлиқни сақлаш вазирлиги Даволаш-профилактика ёрдами ташкиллаштириш бош бошқармаси бошлиғи.



Яна саволларингиз борми, муҳтарам газетхон? Катларингизни кутамиз!

Биогаз афзалликлари

Ўзгаришлар кутилмоқда



— "Uzonline" интернет хизматидан фойдаланаман. Сўнгги пайтларда интернет сифати ёмонлашгани сезилапти. Аниқса, кечки соат 19:00 — 22:00 атрофида сайтларга кириб бўлмайди. Компаниянинг мижозлар учун хизмат кўрсатадиган 200-09-09 телефон рақами оператори билан боғланиш эса жуда қийин. Ана шу муаммолар қачон тўлиқ бартараф этилади?

М. ЛУТҒУЛЛАЕВ. Шойхонтоҳур тумани

— Республикамиз аҳолисининг замонавий телекоммуникация хизматларига бўлган эҳтиёжи ортиб бораётганлиги ҳамда сўнгги пайтларда "Uzonline" интернет хизматидан фойдаланувчи абонентлар сони сезиларли даражада кўпайгани туфайли мавжуд тизимга тушаётган юк-ланиш кескин ошиб бормоқда. На-

тижада интернет хизматидан фойдаланишда тезликнинг (асосан, соат 19:00 — 22:00 оралиғида) тушиши кузатиляпти.

Бу вақт давомида абонентларнинг 200-09-09 рақамига қилаётган мурожаатлари сони ҳам ортаётгани "Call-center" хизматида катта навбатни юзага келтирмоқда ва

шу боис мижозлар бир неча дақиқа кутиб қолишаётир.

Ҳозир компания томонидан кўрсатилаётган интернет хизматининг сифатини ошириш ва аҳолига янада қулайликлар яратиш мақсадида барча техник таъмирлаш-иш ишлари босқичма-босқич амалга ошириляпти. Шу муносабат би-

лан шаҳар, вилоят ва туманларда вақти-вақти билан интернет хизматининг тезлиги пасайиши мумкинлиги юзасидан компания расмий веб-сайтларида ўз вақтида эълонлар жойлаштирилмоқда. Қолаверса, 2013 йилнинг 1 мартдан бир ой муддатга кўрсатилаётган интернет хизматига 20 фоиз чегирма берилди.

М. МАҲМУДОВ, Ўзбекистон Республикаси Алоқа, ахборотлаштириш ва телекоммуникация технологиялари давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари.

Халқ сўзи Народное слово. МУАССИЛАР: Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ. 2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 454. 115 687 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ, Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нарҳда. ТЕЛЕФОНЛАР: Девонхона 233-52-55; Котибият 233-10-28; Эълонлар 232-11-15.

Тахриратта келган кўлэмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди. Реклама материаллари учун тахрират жавобгар эмас. Газета тахрират компьютер марказида терилди ҳамда оператор Ж. Тогаев томонидан саҳифаланди.

• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй. Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов. Навбатчи муҳаррир — У. Файзиёва. Навбатчи — С. Махсумов. Мусаҳҳах — С. Исломов. «Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎЗА якуни — 20.15 Топширилди — 21.10 1 2 3 4 5